Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 98 (4496)
1 МАЙ 1981 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни—1 Май!

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 30 апрель куни меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни арафасида тантанали вазиятда партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари ходимларидан катта бир группасига Ватан мукофотларини топширди. Улар бу мукофотларга ўнинчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун сазовор бўлдилар.

Ш. Р. Рашидов мукофотланганларни Биринчи Май байрами билан самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатларига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

⊙ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясини 1981 йил 29 майда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

⊙ «Ўзбекистон» нашриёти «КПСС XXVI съезди материаллари» тўпламини ўзбек тилида нашр этди.

ЛЕНИНЧА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Тошкентда Биринчи Май намойиши

Байрам кайфияти — календардаги шонли санага шунчаки жавоб эмас. Ўзингни бағишлаётган иш келтирган қувончда, бизнинг рекорд суръатларимизда, байрамни муносиб кутиб олаётган зардор сменаларда байрам кайфияти туғилади. Советлар мамлакатининг анъанасига кўра, социалистик жамият қонуни бўйича бизда байрам доимо фахрли зардор вахта билан бошланади.

Биринчи Май шундай байрамки, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш, янада олға бориб, қурашиб, қидириб зафарлар қозонишга бўлган битмас-туганмас иштиёқ, ижодий куч-ғайратлар баҳоридир.

Байрам тантаналари бошланиши олдидан, В. И. Ленин номли майдонда, ҳалжонли дақиқаларда ана шуларни ўйлайсан, киши. Чорратрофда — вимпеллар, байроқлар, алвонлар денгизи. Майдонда ва бутун шаҳарда бугун икки ранг ҳокимлик қилянти: яшил ва қизил ранглар. Биринчисни табиат баҳори, унинг мисли кўрилмаган гўзаллиги рамзи, иккинчиси эса илҳомбахш меҳнат, кураш, революция ва ғалабалар қувончининг рамзи.

Ўзбекистон пойтахти янада улуғвор, гўзал бўлиб кетди. Янги кўчалар ва архитектура ансамбларига байрамона безаклар янада чирой қўшиб юборди. Бугун улар қизил байроқлар ва транспарантлар, қизил гулдасталарга бурканган. Ҳар бир кўча, проспект бугун тантаналарнинг асосий ўчоғи — В. И. Ленин номли майдонга олиб боради.

Бугунги Биринчи Май бутун мамлакат учун ажойиб воқеа бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездидан эстафетани қабул қилиб олди, у совет кишилари онги ва қалбига тинчлик ва бунёдкорликнинг илҳомбахш программаси сифатида кирди, партия ва халқимиз ҳаётида тарихий давр, жуда катта халқаро аҳамиятга эга воқеа бўлиб қолди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади барча совет кишиларида унутилмас таассурот қолдирди, янада яхшироқ ишлаш иштиёқини уйғотди.

Тошкентликлар Биринчи Майни ажойиб муваффақиятлар, юксак меҳнат ва сиёсий активлик билан нишонладилар, партиямиз съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бердилар. Шунинг учун ҳам байрам намойиши қатнашчиларининг чеҳраларида табассум, қувонч. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун аниқ мақсадга қаратилган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирди.

«Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир. Ўзининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топиш ва уларни ҳаракатга келтиришга ёрдам беради», деган эди Л. И. Брежнев партия XXVI съездида. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган, республиканинг ўн беш ишлаб чиқариш илғори худди ана шундай онглилик ва ташаббускорлик кўрсатиб, қимматли ташаббусни бошлаб бердилар. Мусобақа етакчилари бошлаб берган бу ватанпарварлик ташаббуси айнан Биринчи Май арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Совет мамлакатининг давлат байроғи, иттифоқдош республикалар байроқлари шамолда магрур ҳилпирайди. Майдонда марксизм-ленинизм асосчилари, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг портретлари қўйилган.

...Тошкент вақти билан эрталаб соат 10. Республика партия ва ҳукуматининг раҳбарларини намойиш қатнашчилари ранг-баранг байроқлар ва вимпеллар, қулратли «ура!» садолари, гулдурос қарсаклар билан қутлайдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Фанфаралар янграб байрам бошланганлигидан дарак беради ва бир неча секунд ўтар-ўтмас майдон жонли гилам либосга бурканган бўлади. Биринчи Май намойиши ранг-баранг гулларга тўлади.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! КПСС ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!» деган хитоблар гулдирайди.

Майдонга қирмизи байроқлар оқими кела бошлайди. Анъанага кўра, байроқдорлар колоннаси байрам намойишини бошлаб беради. Олдинда Қизил байроқ ордени тақилган. Тошкент пролетариатининг шонли революцион ва меҳнат анъаналарига чулғанган Тошкент байроғи кўтариб борилмоқда.

Тошкентликлар шу байрамда ҳам ўша анъаналарга содиқ турганликларини намойиш этмоқдалар. Биринчи Май намойишининг қатнашчилари кўтариб бораётган транспарантлар, диаграммаларда шаҳар меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида белгилаб олган марралар яққол акс эттирилган. Тошкент ўн биринчи беш йилликка дадил кириб бормоқда. Дастлабки тўрт ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Биринчи Майгача шаҳар корхоналари топшириқлан ташқари 22 миллион сўмликдан кўп ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

Майдондан ўтиб бораётган колонналар узра кўтарилган эмблемалар — осмонга тик кўтарилаётган лайнер, янги трактор модели, сўнгги моделдаги «зангори кема», ранг-баранг газламалар Ўзбекистон пойтахтида беш йилликларда ленинча миллий сиёсатни, совет қардош халқлари ягона оиласининг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигини изчиллик билан амалга ошириш натижасида бунёд этилган саноат потенциалининг хилма-хиллиги ва сермаҳсуллигини яққол ифодалайди.

Майдон узра «Яшасин қаҳрамон ишчилар синфи! Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!» деган хитоблар янграйди. Колонналар бу табрикларга жавобан бараварига «Ура» деб жавоб қилади.

Минбар ёнидан пойтахтнинг шонли ишчилар гвардияси, ишлаб чиқариш илғорлари ўтиб боришмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари ва шахсий намуналари Тошкент меҳнаткашларини янги марраларга чорламоқда. Энг яхши ишлаб чиқариш пешқадамлари шаҳар ва зардор вахта ғолиблари — меҳнат коллективларининг фахрий мукофотлари — кўчма Қизил байроқларни олиб ўтишмоқда. Бутуниттифоқ республика социалистик мусобақасида Тошкент ва шаҳарнинг бир қатор коллективлари ана шундай мукофотларга сазовор бўлишган эди.

Майдон узра СССР ва Ўзбекистон ССР герблари туширилган панно, кўп миллатли давлатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини шарафловчи транспарант ва плакатлар олиб ўтилмоқда.

Парадлар хиёбонига Ленин, Октябрь, Чиловзор, Киров, Куйбишев районлари меҳнаткашлари кириб келадилар.

Қисқагина репортажда Тошкентнинг кекса районларидан бири, улуг Ленин номи билан аталган рэйон корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг барча шонли ишлари ҳақида ҳикоя қилиш қийин, албатта. Бу районнинг майдон ва кўчаларида дастлабки маёвкалар бўлиб ўтган. Бу ерда голиб революцияни қўллаб-қувватлаган ишчиларнинг оммавий чиқишлари бўлган. Ёшлар билан бир сафда ветеранлар, дастлабки маёвкалар ва шанбаликларнинг қатнашчилари, ҳозир эса ёшларнинг тажрибали мураббийлари, ишчи синфининг бир неча авлодини тарбиялаганлар ўтиб боришяпти. Уларни ҳақли равишда ишчи гвардияси деб атайдилар.

Бугунги кунда собиқ «эски» шаҳарнинг Октябрь районини таниб бўлмайди. Кейинги йилларда бу район жуда тез ўзгарди ва беқиёс чирой очди. Совет кишилари монолит бирлигининг рамзи, такрорланмас «архитектура ансамбли — В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги ажойиб Саройи ва янги майдон бунинг яққол далилидир.

Минбар ёнидан Чиловзор районининг ишлаб чиқариш илғорлари ўтиб бормоқдалар. Шаҳарнинг бу энг йирик райони меҳнат коллективлари муваффақиятли ишлашди. Бу ерда сўнгги йилда 1,1 миллион сўмдан зиёдроқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ташкентгазэнергоремонт» меҳнатчилари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда олдинга катта қадам ташлашди. «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Горремстрой» трести ишлаб чиқариш корхоналарининг комбинати, «Электробитприбор» меҳнатчилари планга қўшимча суратда маҳсулот реализация қилиш бўйича биринчи квартал мажбуриятини ошириб бажардилар.

Куйбишев райони саноати ривожланган, фани тараққий этган, жуда катта қурилиш майдонига эга райондир. Куйбишевликларнинг Биринчи Майга қандай муваффақиятлар билан келгани, ўнинчи беш йилликда эришган ютуқлари ҳақида Тошкент трактор, экскаватор ва лак-бўёқ заводлари, «Средазкабель» бирлашмаси илғорларининг майдондан олиб ўтаётган транспарант, шиор, панноларида ҳикоя қилиб турибди.

Киров районининг пешқадам корхонаси — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси катта ютуқларга эришди. У шу йилнинг тўрт ойи ичида планга қўшимча салкам 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу корхонада тайёрланаётган барча маҳсулотларнинг салкам 40 процента Сифатнинг олий категорияси билан ишлаб чиқарилянти.

Колонналарнинг кети узилмайди... Қаршимизда бахтли, очиқ чеҳралар қанчалар кўп! Майдонда Фрунзе, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Сергели районларининг вакиллари. Минбар ёнидан Фрунзе районининг йирик корхонаси, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ўтиб боришяпти. Е. Губина, Н. Ершова, Ш. Тошматова, С. Пўлатова сингари ўз илғорларига тенглашаётган бу корхонанинг беш юздан зиёд ишчиси кун сайин ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб ado этяпти.

Пойтахтнинг энг ёш райони — Акмал Икромов райони меҳнатчиларининг кайфияти жуда баланд. Бу район 1981 йилнинг биринчи квартали социалистик мусобақаси голиби бўлди. Унга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Районнинг меҳнат коллективлари маҳсулот реализация қилиш квартал планини 103.1 процент бажаришди. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишининг деярли ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари қизил алвонлар ва транспарантлар кўтариб олишган. Колонна бошида «Компрессор» заводи ишчилари боришяпти. Бу корхонанинг маҳсулотлари мамлакатимиз халқ хўжалигида кенг фойдаланилянти. Завод шунинглек, Куба ва Монголиянга, Болгария ва Ироққа, Сурия ва Лаосга компрессор станциялари тайёрлаб берянти. Тошкентнинг бу корхонаси 40 мамлакатга маҳсулотлар жўнатмоқда.

Минбар ёнидан «Ташсельмаш» заводи — Ҳамза районининг энг йирик корхоналаридан бирининг маҳсулотлари — пахта териш машиналари оҳиста сузиб бормоқда. Бу — замонавий «зангори кема»лар. Завод цехларида шу кунларда қатор оралари 90 сантиметр бўлган пахтазорларда ингичка толали навларни теришга мўлжалланган янги агрегатлар ишлаб чиқариш учун тайёргарлик борянти. Бу машиналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш пахта теримини комплекс механизациялаш ишини ниҳоясига етказади. Пахтачилик учун машиналар яратиш бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросида эса сифат жиҳатидан мутлақо янги универсаль машина яратиш ишлари тугалланмоқда. Бу машина барча турдаги пахтани теришга мўлжалланган.

Пойтахтнинг Сергели районида сўнгги йилларда жуда катта миқёсда қурилиш ишлари олиб борилди. Янги массивлар, кенг магистраллар, хиёбонлар майдонга келди. Бу йил Сергели райони капитал қурилишда энг яхши натижага эришди. Район қурилиш коллективларининг биринчи квартал бўйича турар жойларни фойдаланишга топшириш планини 156 процент бажарди.

«Яшасин Ўроқ билан Болғанинг бузилмас иттифоқи!» деган шиор майдондан ўтиб бораётган ишчи колонналарига якин ва азиздир. Тошкентдаги Биринчи Май намойишининг байрам хашаматида Ўзбекистоннинг асосий бойлиги ва ифтихорининг, «оқ олтин» республикаси барча меҳнаткашлари умумий ишининг рамзи бўлмиш пахта чаноғи кўзга кўп ташланади. Деҳқонлар Ўзбекистон пахтасини етиштириш ва тайёрлашда олти миллион тоннали марраларни ошиб кетишига ёрдам беришда ишчилар синфи анча ишлар қилди. Шаҳар меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йили мўл ҳосили учун кураш бошлаган пахтакорлар билан бугунги кунда ҳам ёнма-ён турибдилар. Шу жиҳатдан олганда, республика Марказий статистика бошқармасининг ахборотидан қуйидаги сатрлар эътиборга сазовордир: пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш юзасидан тўрт ойлик план ошириб бажарилган. Биринчи Май намойишида қатнашаётган кўпгина меҳнат коллективларининг транспарантларига далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирамиз, деб ёзиб қўйилган мажбуриятлар ҳам эътиборга сазовордир.

«Коммунизм бунёдкорларининг зардор отряди — совет ёшларига шон-шарафлар! Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — Ленин комсомоли!» Ҳар бир колоннада Тошкент меҳнат аҳлининг кўпгина ёзиб ёвакиллари бор. Улар авлодларнинг давомийлигини, партия билан халқ ишига, пролетар интернационализми байроғига садоқатини ифодалаб Биринчи Май намойишига ўз оғалари, мураббийлари билан бирга чиққанлар.

Намойишчилар байрам маршида бирин-кетин ўтиб турибдилар. Транспорт ва коммунал хўжалик, савдо ва маиший хизмат ходимлари, медиклар, олимлар ва студентлар, адабиёт ва санъат намояндалари бормоқдалар. Улар меҳнат аҳлининг фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрликни ҳаммадан юқори қўювчи, бутун дунёда ер юзидаги барча кишилар бахт-саодати ва равнақининг негизи бўлмиш тинчлик учун хормай-толмай курашаётган жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига айтилган хитоб сўзларига якдиллик билан «ура» деб жавоб қайтармоқдалар.

Байрам намойиши колонналарида афғон студентлари, Вьетнамдан, бошқа социалистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлардан келиб Тошкентда таълим олаётган, ишчи касбларини ўрганаётган йигит ва қизлар бормоқдалар. Ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун, империализм ва агрессияга қарши курашаётган халқлар шаънига табрик сўзлари янграмоқда.

Колонна кетидан колонна келяпти... Майдон узра партиямизни, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи сўзлар янграйди. Тошкент меҳнат коллективлари вакилларининг байрам намойиши партия ва халқ мустаҳкам бирлигининг янги, ёрқин намойишига айланди. У Тошкентликларнинг 1981 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVI съезди белгилаб берган улкан вазифаларни адо этиш учун шай ҳолда турганликларини кўрсатди.

Байрам майдонидан олим отиб, Тошкент кўчалари бўйлаб сайр этмоқда. Тинчлик, Меҳнат, Баҳор сўзлари шаҳар узра қушиқ янглиг янграмоқда.

А. ТЮРИКОВ.

СУРАТЛАРДА: намойишчиларнинг байрам колонналарида.

М. Нуриддинов фотолари.

ИППОДРОМГА МАРҲАМАТ!

2 МАЙДА ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА БИРИНЧИ МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КАТТА ФИЗКУЛЬТУРА БАЙРАМИ БЎЛАДИ.

Байрам программасида пойтахт физкультурачиларининг, чавандозларининг, ДОСААФ спортчиларининг чиқишлари бор. Халқ сайиллари уюштирилади.

Байрам соат 11 да бошланади.

ҚАДРЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР, ИППОДРОМГА МАРҲАМАТ!

Сизлар учун шу куни метронинг Собир Раҳимов станциясидан ипподромга олиб борадиган қўшимча маршрутлар жорий этилади, шаҳар транспорти бошқа маршрутларининг ҳаракати кучайтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ДАВРАСИДА

Тинчликнинг муҳим омили

КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг ажойиб далили бўлди. Уларда КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсати янада ривожлантирилди. «Ташқи савдо, чет мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик янада ривожлантирилсин», дейилади «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида».

Ўтган беш йилликда КПСС Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлига мувофиқ равишда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик тобора ривожлантирилди, империализмга ва реакцияга қарши курашда тараққиёт ва тинчлик кучларига ҳар томонлама ёрдам берилди. Хельсинкидаги Умумевропа кенгашидан кейин ўтган йиллар халқаро муносабатларда турли ижтимоий тузумга мансуб бўлган мамлакатларнинг тинчтотув яшашига ҳеч нарса халақит қилолмаслигини кўрсатди.

Ўтган беш йилликда ташқи иқтисодий алоқалардаги ютуқларимиз совет кишиларининг турмуш фаровонлиги ўсишига яхши ёрдам берди. Ташқи савдо оборотларини ошириш бўйича беш йиллик топшириқ анча ортиғи билан бажарилди. СССРнинг ташқи савдо обороти 1980 йилда бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланиши халқаро кескинликни юмшатишнинг таъсирчан воситаларидандир. «Биз, Совет Иттифоқида, — деган эди ўрток Л. И. Брежнев унга «Олтин меркурий» мукофоти топширилаётганда, — тенг ҳуқуқли ва эркин халқаро савдо унда иштирок этувчи томонларнинг фақатгина моддий эҳтиёжларини қондиришнинг яхши воситасигина эмас, балки халқлар ўртасида тинчликни ва яхши муносабатларни мустаҳкамлашнинг қудратли омили ҳам деб биламиз».

Учинчи беш йиллик мобайнида Совет мамлакатининг экспорт имкониятлари кенгайди. Савдода бизга ҳамкор бўлган мамлакатлар миқдори 130 тадан ортди.

Учинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг фаолияти ривожланиб, бепоён мамлакатимизнинг бошқа мамлакатлар билан савдо ва иқтисодий алоқаларининг янада кучайишига хизмат қилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларида иштирок этаётган 240 та саноат корхонаси, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, бирлашмалар ва савдо ташкилотларини бирлаштириб турибди. Булар орасида республикамизга маълум ва машҳур бўлган Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари, Олмаликдаги кон-металлургия комбинати ва Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати, Наманган ипак газламалар комбинати, Бухоро тўқимачилик комбинати каби йирик корхоналар бор.

Ўтган йиллар мобайнида палата фаолиятининг барча соҳаларида дурустгина ютуқлар қўлга киритилди. Шуни айтиш кифояки, у бажараётган хизмат ҳажми 2,8 баравар кўпайди, 1 сўмлик хизмат учун сарфланаётган ҳаражат эса 4,5 процентга камайди.

Палата фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири чет эллардан келтирилаётган ва Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган буюмлар, шу жумладан хом ашё ва ускуналарнинг сифати ва миқдорини экспертиза ҳамда назорат қилишдан иборатдир. Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси СССР савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилаётган, социалистик мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этяпти. Социалистик мамлакатлардаги саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари ривожланаётганлиги муносабати билан Болгария Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси савдо палаталари билан ҳамкорлик тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга, жумладан, «Экономика кунлари», лекция ва симпозиумлар, ахборотлар ва мутахассислар делегацияларини айирбошлаш киради. Ўтган беш йиллик мобайнида Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси 61 чет мамлакат делегациясини қабул қилди. Бу делегациялар билан саноат корхоналарида ва савдо ташкилотларида ўзаро фойдали учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг тематикаси ишлаб чиқариш ва техника ҳамкорлигининг кучайтирилишига хизмат қиляпти.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон йирик аграр-индустриал республикага айланди. Республиканинг халқ хўжалиги гуркираб ривожланиши Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқаларида фаол иштирок этишига имкон яратди. Ҳозир Ўзбекистон дунёнинг 70 мамлакатига маҳсулот етказиб беряпти. Биз тўқимачилик машиналари, экскаваторлар, кабель буюмлари, радиолампалар, трубамашиналар, гидрометеорология буюмлари ва бошқа нарсаларни экспорт қиляпмиз. Пахтачиликка мўлжалланган машиналаримиз, пахтани қайта ишлайдиган ускуналаримиз чет элликларга ғоят манзур бўляпти. Мана кўп йиллардирки, халқаро ярмаркаларда ва кўргазмаларда Ўзбекистон учун алоҳида бўлим ажратилади. Чет элликлар Ўзбекистон экспонатларини кўриб республикамизда экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар билан танишадилар. Республикамизнинг экспозициялари мунтазам муваффақият козониб келяпти ва медаллар билан тақдирланяпти. Фақат ўтган беш йил мобайнида 17 та экспонатимизга олтин медаль берилди. 1980 йилда Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмарка республикамиз «Пахта комплекс программаси» деб номланган тематик бўлим ташкил этди, ундаги ғўза қатор ораларига ишлов берадиган, пахтани терадиган машиналаримиз ва ускуналаримиз чет эллик мутахассисларни ва тижорат вакилларини ғоят қизиқтирди.

Республикамизда ҳам кўргазма иши тобора ривожланмоқда. Ўтган беш йил мобайнида 21 та кўргазма ташкил этилди. Булар орасида мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлган «Медицина аппаратуралари — 77», «Пахтачиликка мўлжалланган машина ва ускуналар— 88» кўргазмалари, Япония, Швеция, кардош социалистик мамлакатлардаги йирик фирмаларнинг симпозиумлари каби соҳа кўргазмалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон аҳолиси «ГДР мебеллари — 80», «Болгария электроникаси» кўргазмаларини, Японияда ги «Чори» тўқимачилик фирмаси кўргазмасини қизиқиш билан кўрдилар.

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг патент-лицензия хизмати фан-техника тараққиётини ривожлантиришда ғоят масъулиятли ишларни бажаряпти. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг аъзолари ва бўлган корхона ва ташкилотларга палатанинг реклама бўлими катта ёрдам кўрсатяпти. Унинг рассом ва малакали фотографлари корхона ва ташкилотлар учун товар белгиларини, каталогларнинг бадиий нусхаларини, фахрий ёрлиқлар, таклифномалар ва бошқа реклама йўсинидаги ишларни бажариб беришади. Фақат 1980 йилнинг ўзида 32 та товар белгиси яратилди.

СССР савдо-саноат палатаси системасидаги Бутуниттифоқ мусобақасида республикамиз палатаси кўп марталаб совринли ўринларни эгаллади. 1980 йилда эса республикамизнинг савдо-саноат палатаси чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришдаги, тинчликни мустаҳкамлашдаги яхши фаолияти учун халқаро «Олтин меркурий» мукофоти билан тақдирланди.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг бажарилиши, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, қуролсизланиш учун кураш совет давлатининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширди. Бундай шароитда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини янада ривожланишига хизмат қилиши лозим бўлади. Республика савдо-саноат палатаси бу вазифани амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездининг СССРнинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қарорларини бажаришига ўз ҳиссасини қўшади.

Ж. ИЛҲОМОВА,

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси Президиумининг раиси.



Тошкент келажакка одимламоқда

1 МАЙ КЎЧАСИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

1 Май кўчаси пойтахтимизнинг энг тарихий кўчаларидан биридир. 1905—1907 йилларда Тошкентда дастлабки 1 Май намойишлари ана шу кўчада бўлиб ўтган. Темир йўл ишчилари, мастеровойлар, ишчилар ҳаракатининг йўлбошчилари қизил байроқлар, транспарантлар ва ҳар хил шиорларни кўтариб олиб темир йўл устахоналаридан шаҳар марказига йўл олишарди. Шаҳарнинг ҳар томонидан тўпланган намойишчилар бу кўча орқали ўтиб, ўзларининг озодлик ҳаракати билан якдил эканликларини намойиш этишганди. Шунинг учун ҳам намойишчилар билан чор ҳукумати аскарлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб турарди.

Инқилобдан кейин Тошкент шаҳар Советининг қарорига асосан, Туркистоннинг сўнгги золим генерал-губернатори Куропаткин номи билан аталган бу кўчага 1 Май номи берилди. Совет ҳокимияти йилларида бу тарихий кўча бутунлай қайта қурилиб, икки томонлама транспорт ва трамвай ҳаракат қиладиган обод ва кўкаламзор кенг проспектга айланди. Унинг икки ёнида ўнлаб маъмурий ва маданий объектлар, янги муассасалар қурилди. Москваликлар 1966 йили бу ерда зилзладан азият чеккан тошкентликларга ёрдам сифатида қуриб берган тўққиз қаватли уй-жой комплекслари бугунги кунда пойтахтимизнинг энг кўркам меъморчилик ансамбларини ташкил этиб турибди.

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларига яхши таниш бўлган «Болалар дунёси» магазини ҳам ана шу уйжой комплексларининг дастлабки қаватидадир. Яқинда 1 Май кўчасининг Пушкин ва Карл Маркс кўчалари оралиғидаги қисмида янги замонавий уй-жой комплекслари фойдаланишга топширилиб, унинг дастлабки қаватларида йирик маиший хизмат кўрсатиш комплекси, дорихона ва бошқа маданий-маиший объектлар ишга тушди.

Бугунги кунда 1 Май кўчаси қиёфасига гўзаллик бағишлайдиган бир қатор янги объектлар қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти. Бу йил фойдаланишга топширилаётган Тошкент бош почтамтининг янги биноси ана шу янги меъморчилик комплекслари орасида ўзига хос кўринишга эга бўлади. Энгельс ва Пушкин кўчалари оралигида қурилаётган бу бинода бош почтамтнинг турли хизмат бўлинмаларидан ташқари марказий телеграф, шаҳарлараро телефонда гаплашиш марказий станцияси ҳам жойлашади. Унинг ёнида эса республика автомобиль транспорти министрлигининг етти қаватли марказий диспетчерлик станцияси қад ростлаяпти.

Шу кунларда 1 Май кўчасининг Куйбишев кўчаси билан кесишган чорраҳаси бурчагида СССР Госстройи ва «Средазхимремстрой монтаж» трестининг етти қаватли кўркам бинолари, шунингдек К. Маркс кўчаси билан кесишган чорраҳа бурчагида эса 6-туғруқхонанинг тўққиз қаватли янги биноси ва бошқа ўнлаб ноёб архитектура комплекслари қурилиши амалга ошириляпти.

1 Май кўчасининг эртанги кунига назар солиш янада завқлидир.

— Тошкентни қуриш ва қайта қуришнинг истиқбол планига мувофиқ бу ерда яна ўнлаб ноёб архитектура комплекслари қад кўтаради, — дейди шаҳар архитектура—планлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарни қайта қуриш бўлими бошлиғи Н. Нурматов. Масалан 1 Май кўчасининг Энгельс, Советская ва Пушкин кўчалари оралиғидаги ичкари қисмида шаҳардаги етакчи лойиҳалаш ташкилотларининг муҳташам комплексини вужудга келтириш кўзда тутилмоқда.

«Ташгипрогор» институтининг 1-устахонасида 1 Май кўчаси, Пушкин, Хоразм ва Советская кўчалари оралиғида қуриладиган уч залли «Фестиваль» кинотеатрининг лойиҳаси ҳам яратилди. Лойиҳа бош архитектори Г. Александрович ва бош инженери С. Берковичлардан иборат ижодий коллектив бир йўла 2,6 минг томошабинга хизмат кўрсатадиган бу янги санъат кошонасида томошабинлар учун кўпгина қулайликлар яратишга катта аҳамият беришган. Шу институтнинг 5-устахонасида эса «Фестиваль» кинотеатри ёнида қад кўтарадиган Тошкент оперетта театрининг лойиҳаси ҳам яратилмоқда. Бу ерда республикамизнинг муҳташам туризм уйи ҳам қурилади. Бу комплекс лойиҳаси Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтида яратилмоқда. «ТашНИИгенплан» институти меъморлари яратаётган телерадиотеатр комплекси ҳам пойтахтимиз марказидаги 1 Май кўчасига ажойиб кўркамлик бағишлайди. Кўчанинг Кард Маркс кўчаси билан туташадиган қисмида қад кўтарадиган телерадиотеатрда томошабинларга ҳавола этилаётган концерт ва спектакларни бир йўла ёзиб олиш, шунингдек ўша пайтнинг ўзида телевидение ва радио орқали эшиттириш мумкин бўлади.

1 Май кўчасининг Пролетар кўчаси билан туташадиган қисмида 9 қаватли муҳташам турар жой биноси, Куйбишев кўчасига туташган қисмида эса Ҳамза районининг информация маркази, Пролетар кўчасига яқин жойда «Ўзстройсистема» бирлашмасининг 16 қаватли инженерлик корпуси, ҳар сменада бир йўла 850 киши қатнаб даволанадиган поликлиника, «Марҳабо» кафесининг янги комплекси, республика тайёрлаш министрлигининг етти қаватли инженерлик-лаборатория корпуси ва бошқа объектлар қад кўтаради. Келгусида қуриладиган бу иншоотлар Тошкентнинг энг тарихий кўчаларидан ҳисобланган 1 Май кўчасини янада гўзаллаштириш, ободонлаштириш мақсадларига қаратилган.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1 Май кўчасининг бугунги қиёфаси; ана шу кўчада қад кўтараётган уч залли «Фестиваль» кинотеатрининг эскизи.

М. Абдуллаев фотолари.

Беш йилликлар эстафетаси

ШОНЛИ МАЙ ЭДИ

Пойтахтимизнинг энг нўҳна ва навқирон корхоналаридан бири Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонт заводининг тарихида май ойи билан боғлиқ саҳифалар жуда кўп.

1918 йилнинг 12 май куни корхона ишчи-хизматчилари «Озодлик уйи»га манифестацияга бориш ҳақида қарор қабул қилишади. 1920 йилнинг 1 Майида бўлиб ўтган шанбаликда эса янги бинолардан бирига ғишт қўйилади.

1899 йилга бориб тақалади бу корхона тарихи! Ўша пайтда Ўрта Осиё темир йўли қурилиши тугалланган эди. Асримиз боши— 1900 йилда эса ҳозирги Октябрь революцияси номидаги корхона — Бош темир йўл устахонаси қурилади. У Тошкентда металлни қайта ишлайдиган энг йирик корхона эди.

1906 йилнинг май ойида устахона ишчилари большевиклар раҳбарлигида 1,5 ойлик забастовкада актив қатнашдилар. Бу забастовка ишчиларнинг тўла ғалабаси билан якунланади. Улар подшо ҳукуматидан саккиз соатлик иш куни, ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати ўрнатиш, турмуш даражасини оширишни талаб қилиб чиқишган эди. Темир йўл ишчилари, ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советини қўллаб-қувватлашди ва Бақтли ҳукуматнинг Туркистондаги малайларига қарши кўзғолдишди.

1917 йилнинг май ойида эса Ўрта Осиё темир йўли меҳнаткашлари иттифоқининг I съезди бўлиб ўтди. У Тошкентда большевиклар раҳбарлиги остида ишчилар активлигини янада оширишга ҳисса қўшди.

Мамлакатда гражданлар урушининг машаққатли йилларида, 1919 йилнинг 7 май куни Москва-Қозон темир йўли коммунистлари коммунистик шанбалик ўтказиш ва Колчак устидан тўла ғалаба қозониш учун ишдан ташқари олти соат текин ишлаб беришга аҳд қилишди. Бунга биринчилар қаторида, «Ишчилар қалъаси»нинг ишчилари қўшилдилар. Завод ҳар йили 225 та паровоз ва кўплаб вагонлар ремонт қилиб бериш мажбуриятини шараф билан адо этади. Шундан сўнг ҳар йили 1 Май куни коммунистик шанбалик ўтказиш одат тусига кириб қолди. Масалан, 1924 йилнинг 1 Майини ажойиб муваффақият билан кутиб олишади. Паровоз ва иккита вагон платформасини ишчилар қишлоқ райони деҳқонларига совға қиладилар. Бунга бағишлаб ўтказилган митингда бу паровознинг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Чунки бу ишчи билан деҳқон иттифоқини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшди.

1930 йилнинг 1 Май куни Қизил Шарқ заводи беш йиллик қаҳрамонларини шарафлади.

Шуниси характерлики, 1932 йилнинг май ойида корхонада биринчи ишлаб чиқаришда-техника партия конференцияси ўтказилади. Заводни реконструкция қилиш масалалари тўрт кун мобайнида муҳокама этилди. Қабул қилинган резолюцияда қисқа муддат ичида корхонани қайта қуриш тадбирлари белгиланди. Натижа чакки бўлгани йўқ. Завод коллективи конференция ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириб, меҳнат унумдорлигини кўтарди, ишчиларнинг иш ҳақи эса 42 процент ошди.

...Урушнинг суронли йиллари. 1942 йилнинг май кунларида бутун мамлакатдаги каби корхонада ҳам минглар ҳаракати авж олиб кетди. Механика цехининг ёш слесари Дима Коган заводда бу ватанпарвар ҳаракатининг ташаббускори бўлди. У 1-Май зарбдор вахтасида туриб ишлаб, топшириқни минг процент адо этишга аҳд қилди ва май кунлари бу аҳдига вафо қилди. Унинг ташаббусига ўнлаб бошқа ишчилар қўшилдилар. Бу заводда мисли кўрилмаган меҳнат шижоати эди! Мингчилар сафи кун сайин кенгайиб борди.

Ёки 1945 йилнинг 1 Майини эслайлик. Корхона ишчилари ёдидан бу кун асло кўтарилмайди. Чунки ўша куни корхонада тинч мақсадлар учун маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Ана шундан буён орадан кўп йиллар ўтди. Бугунги кунда корхона коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш, съезд қарорларини амалга ошириш йўлида янгидан-янги зафарларга эришяпти.



Шоира Эргашева олти йилдан буён Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи филиалида баракали меҳнат қилиб, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонибкеляпти. У смена топшириқларини 130 процент адо этиб, мусабақада пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: чевар Ш. Эргашева.

Ҳ. Мирзаакаримов фотоси.

ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«Аҳолининг ҳар хил молларга ва хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин».

(«СССРни иқтисодий ва социал-ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Бугунги кунда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантирилиши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳамшаҳарларимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Коллективимиз ана шу мақсадда мунтазам изланяпти.

КПССнинг XXVI съезди қарорларига жавобан бир қанча самарали тадбирларни амалга оширдик. Цехлар ва устахоналар қайта ташкил этилди. Йирик ҳажмли соатларни марказлашган усулда сифатли ремонт қилишга имкон берувчи устахона кенгайтирилди ва жиҳозланди. Фото-кино аппаратуралари ремонт қилинадиган участка марказлаштирилди. Барча турдаги чолғу асбоблари, тикув машиналарини ремонт қилиш муддатини қисқартиришга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Яқинда яна бир хизмат тури жорий этилди. Усталаримиз автомобиль соатларини ремонт қилишни ўзлаштириб олишди. Эндиликда аҳолига 14 хилдан ортиқ хизмат кўрсатиляпти. Фақат ўтган беш йил мобайнида 17 та экспонатимизга олтин медаль берилди. 1980 йилда Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада республикамиз «Пахта комплекс программаси» деб номланган тематик бўлим ташкил этди, ундаги ғўза қатор ораларига ишлов берадиган, пахтани терадиган машиналаримиз ва ускуналаримиз чет эллик мутахассисларни ва тижорат вакилларини ғоят қизиқтирди.

Республикамизда ҳам кўргазма иши тобора ривожланмоқда. Ўтган беш йил мобайнида 21 та кўргазма ташкил этилди. Булар орасида мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлган «Медицина аппаратуралари — 77», «Пахтачиликка мўлжалланган машина ва ускуналар— 88» кўргазмалари, Япония, Швеция, кардош социалистик мамлакатлардаги йирик фирмаларнинг симпозиумлари каби соҳа кўргазмалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон аҳолиси «ГДР мебеллари — 80», «Болгария электроникаси» кўргазмаларини, Японияда ги «Чори» тўқимачилик фирмаси кўргазмасини қизиқиш билан кўрдилар.

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг патент-лицензия хизмати фан-техника тараққиётини ривожлантиришда ғоят масъулиятли ишларни бажаряпти. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг аъзолари ва бўлган корхона ва ташкилотларга палатанинг реклама бўлими катта ёрдам кўрсатяпти. Унинг рассом ва малакали фотографлари корхона ва ташкилотлар учун товар белгиларини, каталогларнинг бадиий нусхаларини, фахрий ёрлиқлар, таклифномалар ва бошқа реклама йўсинидаги ишларни бажариб беришади. Фақат 1980 йилнинг ўзида 32 та товар белгиси яратилди.

СССР савдо-саноат палатаси системасидаги Бутуниттифоқ мусобақасида республикамиз палатаси кўп марталаб совринли ўринларни эгаллади. 1980 йилда эса республикамизнинг савдо-саноат палатаси чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш ва, тинчликни мустаҳкамлашдаги яхши фаолияти учун халқаро «Олтин меркурий» мукофоти билан тақдирланди.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг бажарилиши, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, қуролсизланиш учун кураш совет давлатининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширди. Бундай шароитда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини янада ривожланишига хизмат қилиши лозим бўлади. Республика савдо-саноат палатаси бу вазифани амалга ошира бориб, КПСС XXVI съездининг СССРнинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қарорларини бажаришига ўз ҳиссасини қўшади.

Ж. ИЛҲОМОВА,

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси Президиумининг раиси.

● УЙ МУБОРАК!

Кооператив йўли билан

1 Май байрами арафасида кўпчилик ҳамшаҳарларимиз кооператив қурилиш йўли билан бунёд этилган янги кўркам уйларга кўчиб ўтдилар.

Шундай уйлардан бирини Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Уй-жой қурилиш трестининг «Ташросстрой» бошқармаси бинокорлари Тансиқбоев массивидаги 2-микрорайонда фойдаланишга топширдилар. Бу 90 квартирали беш қаватли замонавий уй-жой комплексига Собир Раҳимов район уй-жой кооперативининг янги аъзолари кўчиб ўтишмоқда. Улар янги турар жой биноси атрофларини дид билан кўкаламзорлаштиришмоқда.

1-уйсозлик комбинати бинокорлари томонидан 4-Сергели микрорайонида қурилиб, фойдаланишга топширилган 75 квартирали беш қаватли янги бинога кўчиб ўтаётган Фрунзе район уй-жой кооперативи аъзолари ҳам бинокорлардан мамнун бўлишмоқда. Бу янги уй-жойлар қурувчиларнинг шаҳримиз аҳолисига байрам туҳфаларидир.

● БИНОКОРЛАРНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

ИШЧИЛАР МАМНУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг бунёдкор қурувчилари Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишчи-хизматчиларини 1 Май байрами арафасида янги уй-жой биноси билан хушнуд этдилар.

Ҳамза районидаги Боткин кўчасида улар учун тўққиз қаватли 54 квартирали уй-жой комплекси фойдаланишга топширилди. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари учун ҳам Ҳамза районидаги Измайлов кўчасида 40 квартирали янги уй-жой биноси 1 Май байрами арафасида қуриб битказилди.

Байрам арафасида янги уй-жойларнинг калитини олган Куйбишев район уй-жой кооперативи аъзолари ҳам Пешпек кўчасида қад кўтарган 48 квартирали тўрт қаватли бинога кўчиб ўтишиб, уй тўйларини ўтказишмоқда.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ҚЎШИҚ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат «Ялла» вокал-чолғу ансамбли коллективи 1 Май байрамини Самарқанд областида кутиб олди. Санъаткорлар у ерда бир неча кун дан бери гастрол сафарини ўтказишяпти. Ансамбль бадиий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Фарруҳ Зокиров коллективнинг фаолияти ҳақида бундай ҳикоя қилиб берди:

— Бундай қутлуғ айёмларда томошабинга хизмат кўрсатиш биз учун ҳамиша шарафли иш. Самарқанднинг шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб концертлар бердик, меҳнат коллективларида бўлиб, улуғ айём арафасида эришилган зафарларни кўриб қувондик. Ансамблимиз ҳали унча катта давон ошиб ўтмаган бўлса ҳам мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида бўлишга улгурди. Бир неча чет эл мамлакатида гастролларини қизғин ўтказди. Бундай шодиёнали кунларда дўстлар ҳузурида ўтказган гастролларимизни яхши хотира тарзида эслаймиз.

Польша, ГДР, Болгария, Монголияда қатор муваффақиятли концертлар бергамиз. Вьетнам Социалистик Республикаси да ўтказган гастролимиз ансамбль фаолиятида катта ўрин олади. Бу сафар ансамбль шуҳратини ошириш билан бирга биз учун ўзига хос масъулиятли имтиҳон бўлди, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Вьетнамда концертларимиздан бирини стадионда ўтказиш планлаштирилган эди. Стадион ўриндиқларида биронта жой қолмаган. Ғўё бу ерда вьетнам халқи каттабайрамга тўплангандек эди. Кутилмаганда осмонни қора булут қоплаб сел қўйиб берди. Чақмоқ чақиб чолғу асбобларимизни чалиш учун машаққат туғдирди. Емғир қанча кучайса ҳам томошабинлар ўз жойларидан жилмайдилар. Шаррос ёмғирдаги концертимиз роса икки соат давом этди. Санъатимиздан илҳомланган томошабинлар фақат олқишлар эдилар. Эртасига мамлакат газеталари концертимизни «Жасоратли маҳорат» деб ёзиб чиқишди.

Ансамблимиз коллективи бу йил КПСС XXVI съездига бағишлаб янги программа тайёрлади. Унда машҳур совет шоири Вознесенскийнинг «Барабан», Лев Ошаниннинг «Шарқ юлдузи» ва Шароф Рашидов, Рамз Бобожон, Туроб Тўла шеърлари асосида ижод этилган қўшиқлар ўрин олган. Бу янги программани жуда кўп жойда томошабинлар мамнунлик билан кутиб олишди.

«Тошкент оқшоми» саҳифалари орқали «Ялла» ансамбли санъаткорларининг байрам табригини барча томошабинларга етказсангиз.

А. ПЎЛАТОВ.

● УТМИШГА БИР НАЗАР ● НАЗМ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН ● КУЛГИ— ЖОН ОЗИГИ ● АЖОЙИБОТЛАР.

● *Тарих солномасидан*

ДАСТЛАБКИ МАЁВКАЛАР

Бугунги бахтли ва фаровон кунларимизда ўтмишга назар ташлаш, дастлабки маёвкалар тарихини билишга қизиқиш табиий ҳол, албатта. Энг аввало, жаҳонда илк маёвкалар қачон ўтгани ҳар бир оқшомхонни қизиқтиради. Дастлабки маёвкалар 1890 йилда Германия, Франция, Англия, Бельгияда ўтказилган. Совет ишчи ва деҳқонлари 1 Майни биринчи марта 1918 йилда нишонлашган.

Ишчиларнинг халқаро биродарлиги Париж конгресси 1889 йилда уни ҳар йили меҳнаткашларнинг оммавий чиқишлари билан нишонлашга аҳд қилган эди. Бунинг сабабини биласизми? АҚШнинг Чикаго шаҳрида ишчилар иш ташлашади. Америка капиталистлари эса иш ташлаган ишчилардан қақшатгич ўч олади. Хўрланган ишчилар хотирасига бағишлаб ана шундан буён ҳар йили маёвкалар ўтказиб келинмоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ягона оиласида биринчи марта 1 Май гражданлар уруши тугаган — 1923 йилда нишонланган. Туркистон ишчилари инқилобдан олдин уни биринчи марта 1904 йилда нишонлашган. Ўша йилнинг 1 Май арафасида большевик В. Д. Корнюшин уйида яширинча йиғилиш бўлади. Унда ишчилар маёвка планини ипидан-игнасигача ишлаб чиқишади. Варақалар тайёрланади. Уларда ҳар хил шиорлар ёзилган эди. Бу шиорларда меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ифода этилган эди.

1 Май куни социал-демократлар Лаптев ва Рудневлар Бош темир йўл устаконаси дарвозаси олдига варақалар ташлашади. Кўчалар, хиёбонлар, жамоат жойларига шиорлар осилади.

1905 йилда эса Тезиково, Бўзсув ва сапёрлар лагери яқинида маёвка ўтказилади. Бунда ҳам турли шиорлар тарқатилган. Масалан, подшонинг 9 январдаги қонли якшанбаси ҳақида нутқлар янграган. Тўғри, чор ҳукумати маёвкачиларни тарқатиб юборишга ва улардан ўч олишга уринган. Аммо, барибир ишчилар маёвкалар ўтказишга муваффақ бўлаверганлар.

Тошкентда совет 1 Майи 1918 йилда нишонланди. Ўша куни Ўрда қўприги томон «эски шаҳар»дан ўзбек меҳнаткашлари колоннаси, «янги шаҳар»дан рус меҳнаткашлари йўл олишади. Кўприк устидаги бу тарихий учрашув Тошкентнинг «эски» ва «янги» шаҳарга бўлинишига барҳам берди.

Шу йилнинг 1 Май куни Тошкент хиёбони ободонлаштирилди. Юзлаб ишчилар умумхалқ ҳашарига чиқишди. Шунингдек бу кун Туркистон автоном Совет Социалистик Республикасининг РСФСР составига кирадиган кун сифатида нишонланди. Ўша пайтларда хиёбон оддийгина безатилган, қизил байроқлар, шиорлар осилган, Карл Маркс портрети, панно қўйилган эди. Шу куни хиёбонда беш қиррали юлдуз, «Ўроқ ва Болға» пайдо бўлди. Бу хиёбоннинг тўнғич безаклари бўлди.

1928 йилнинг 1 Май куни мамлакатимизнинг Москва ва бошқа шаҳарлари сингари Тошкентда ҳам намойиш ўтказилди. Масалан, «эски» шаҳарда 40 мингга яқин ишчи хизматчи қатнашди. Уларнинг кўпчилиги хотинқизлар эди. Бу намойиш шаҳар билан қишлоқ дўстлиги шиори остида ўтди!

Баҳорнинг энг севимли 1 Май куни Ер куррасининг миллионмиллион меҳнаткашлари тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун кураш шиори остида майдон ва кўчаларга чиқадилар. Буни инсониятнинг социализм ва коммунизм томон голибона одимлари тантанаси деб фахр билан айтамиз!

МАЙ БАЗМИ

Нега тек
турмас қалбим,
Булоқдан жўшиб.

Қўлимда янграр созим,
Куйга-куй қўшиб.

Нега юртим бунчалар,
Гўзалдан— гўзал.

Ўйнаб колар тилимга,
Бир дунё ғазал.

Чунки бугун элимда,
Май, баҳор базми.

Шунинг учун дилимда,
Янграр бахт назми.

Баҳром УМИРОВ.

Қизиқарли Пазандалик

РАМЗИЙ МАСАЛЛИҚЛАР

СЕЛЬДЕРЕЙ. Бу ошкўк ҳаммага таниш, барглари қайчи-қайчи, худди кашничи эслатади, аммо кашничидан йириқроқ ва баландроқ ўсади. Сельдерейни биз чопиб лагмон қайласига, шўрваларга солиб пиширамиз, салатларнинг юзини безатамиз.

Қадимда эса сельдерей билан Миср ва Юнонистонда спорт, илм-фан ҳамда мушоираларда ғолиб чиққан кишиларнинг юзлари безатилган, қулоқларига тақилган, чамбарлар эса бошларига кийдирилган.

* * *

ПИЁЗ. Сиз овқатга кўп гўшт солиб пиширинг-у аммо бир бош пиёз солмасангиз барибир бемаза чиқади. Пиёзсиз қуюқ-суюқ овқатлар, салатлар ва бошқа яхна тамаддиларни тайёрлаб бўлмайди. Инсоният пиёз емаганда эди, турли касалликларга мубтало бўлар эди. Пиёз каби ажойиб сабзавот бир вақтлар гўзаллик ва ботирлик рамзи бўлган.

Пиёз ўсимлигининг ватани Танъ-Шань тоғлари ҳисобланади, лекин баъзи олимлар уни «Миср»дан келиб чиққан», дейишади. Бу фикр албатта хато бўлса ҳам, ҳар ҳолда қадимги мисрликлар пиёзни гўзаллик рамзи, муқаддас масаллик деб ҳисоблашган. Пиёз, уни экиб етиштирган мисрлик деҳқонлар кўзига бамисоли ой кўринар экан, «Пиёз ерда битган ой», деб яхши кўрган кишиларига, гўзал қиз ва аёлларга, иффатли ва одобли кишиларга бир бош пиёз тақдим этишни лозим топар эканлар. Қаранг-ки, ўзбекларда ҳам «тоғган гул келтирур, топмаган бир бош пиёз» деган нақл бор. Маъноси: меҳмонга борганда бирон совға олиб келолмаган кишига нисбатан «мазбонни хуш кўриб, ҳонадонига қаҳам ранжида қилди» дегани бўлади.

* * *

ПЕТРУШКА. Ушбу ошкўкни ҳам ҳаммамиз биламиз — соябонгулдошлар оиласига мансуб кўкат ўсимлигидир. У таомларимизни хушкўр, хушбўй қилишда, дармондориларга бойитишда, салатлар тайёрлашда, помидор ва бодрингни тузлашда ишлатилади. Бироқ, қадимда бу ошкўк мусибат ёки масхарабозлик рамзи бўлган.

Эрамиздан илгариги даврларда кимсаси вафот этган ёки бирон бошқа сабабдан асаблари изтиробга келган мисрлик ва юнонлик петрушкадан чамбар ясаб бошига кийиб кўчага чиққан, шу билан бошқаларга ўзининг ғамнок экانлигини англатган. Кейинчалик бу одат Европага ҳам тарқалган. Лекин бу ерда у масхарабозлик рамзи ҳисобланган.

Рус халқи матаврлари орасида: «никакой петрушки» деган ибора бор. Маъноси: баъзи қитмир одамга бирон ишни бажариш топширилганда шу ибора айтилиб, ишкал чиқарилмасин, деган фикр англатилади. Сўнгра рус халқ қўғирчоқ театрида масхарабозликда бош ролни бажарувчи қўғирчоқ қаҳрамоннинг номи ҳам Петрушка эканлиги шу фикрга бир далолат бўлади.

К. МАҲМУДОВ,
пазанда.

ОПЕРЕТТА АРТИСТЛАРИ КОНЦЕРТИ

Давлат музикали комедия театри артистлари Тошкент «Водоканал» трести ремонт қурилиш бошқармаси меҳнаткашлари ҳузурида «Энг севимли оперетталар саҳифаларини варақлаганда» программасини кўрсатдилар. Бу байрам концерти яқинда ижодий коллектив билан қурувчилар ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома планига кўра ўтказилди. Концертда совет ва чет эл композиторларининг энг яхши асарларидан парчалар ижро этилди. Биринчи Май тантаналарида саҳна усталари В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчиларини ҳам ўз программалари билан ҳушнуд қиладилар.



Бу суратдаги нафис гулларни кўриб беихтиёр шоир Ҳамид Олимжоннинг: «Новдаларни безаб ғунчалар, тонгда айтди ҳаёт отини» деган мисраларини эслайсан, киши.

Ф. Абдурасулов фотоси.

ОИЛАВИЙ ТРУППА

Дорбоз Аслонқуловлар оилавий труппасининг илк программаси 5 яшар Содиқжоннинг чиқиши билан бошланди. Бу труппа Андижон областидаги ўз ҳамқишлоқлари — қўрқ «Комсомол» совхози меҳнаткашлари ҳузурида маҳоратини кўрсатди. Бутун оила ишдан ва ўқишдан бўш вақтини севимли санъатга бағишлайди. Мана биринчи қарсаклар ҳам янгради, уларнинг томошаси кишиларга маъқул бўлди.

Ҳозир Андижон областида дорбозларнинг қадимий санъатини ўнта ҳаваскор коллектив давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдулла Орипов-меҳмонимиз

Фараҳбахш шеърият

Ҳақиқий шеърият инсон қалбига фараҳли туйғулар бахш этади, коннот ва инсон ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Ҳаёт гўзалликларини кўришга ўргатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Абдулла Ориповнинг ижоди худди ана шундай хусусиятга эга. Байрам арафасида Абдулла Орипов редакциямиз меҳмони бўлди. Биз унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Абдулла Орипович, бу йил КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди бўлиб ўтди. Ана шу анжуманлар қарорларини ҳаётга тадбиқ қилишда ижодкорларнинг вазифаси нималардан иборат, деб биласиз?

— Чиндан ҳам бу йил партиямиз анжуманлари йили сифатида тарихга кирди. Халқимиз партия белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Қайси сохани олманг, юксак ғайрат ва меҳнат кўтаринкилигини кўрасиз. Бу бежиз эмас. Чунки партия планларини амалга ошириш —халқ фаровонлигини юксалтириш, мўл-кўлчиликни вужудга келтириш, маданият ва санъатда янги юксакликларга эришиш. Ватанимиз мудофаа қудратини ошириш демакдир. Биз ижодкорлар, ўзимизнинг таъсирчан сўзимиз билан халқимизни янги марралар сари руҳлантиришимиз, унга мадад беришимиз керак. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи республикамизнинг турли областларига йўлланган ижодкорлар группалари, хилма-хил қизиқарли учрашувлар ва шеърият кечалари ана шу мақсадга қаратилган.

— Ёзувчилар бригадаси составида тез-тез дала меҳнаткашлари ҳузурида бўласиз. Ана шулар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ўз қаламкаш дўстларим билан Фарғона водийсида, Самарқандда, Тошкент областининг Коммунистик районида, Қашқадарё область Косон районидаги Ворошилов номли колхозда бўлдим. Бундай учрашувлар ижодкорларга кўп нарса беради. Ҳаётнинг қайноқ нафасини ҳис этишига кўмаклашади. Коммунистик районидаги колхозларидан бирида Абдураим ака деган деҳқон билан суҳбатлашдим. Бу суҳбат менда чуқур таассурот қолдирди. «Бахт ҳақида суҳбат» деган шеърим ана шу тариқа дунёга келди. «Бахмаллик гилам тўқувчи қизларга» деб номланган шеърим Бахмал сафари таассуроти асосида яратилган. Куни кеча эса Жиззах область Дўстлик районидаги 11-совхозга бориб келдик. У ерда бўлиб ўтган учрашувларда ҳам меҳнаткаш халқ бизнинг ижодимизни синчковлик билан кузатишини, ҳар бир сўзимизни чанқоқлик билан кутишини, ютуқларимизнан қувонч, нуқсонларимиздан қийинч юришини ҳис этдим.

— Яқинда «Нажот қалъаси» номли шеърлар тўпламингиз ўқувчилар қўлига тегди. Яна қайси асарларингиз чоп этилади?

— Ўтган йил мен учун анча самарали бўлди. «Нажот қалъаси» тўпламидан ташқари «Ҳаким ва ажал» достоним Ғафур Ғулом нашриётида жажжи шаклда чоп этилди. Эндиликда у рус тилига таржима қилинмоқда. Москвадаги «Советский писатель» нашриётида эса «Любовь к жизни» деб номланган тўпламим босилди. «Муштум кутубхонаси» серияси эса «Жаннатга йўл» достоним нашр қилинди. Ҳозир «Ёш гвардия» нашриётида яна бир тўпламим чоп этишга тайёрланмоқда. У «Сурат ва сийрат» деб аталади. Рус тилидаги шеърларимни ҳам бир китобга жамламоқчиман.

— Таржима соҳасидаги ишларингизни ҳам давом эттиряпсизми?

— Ҳа, ҳозир Эврипиднинг «Электра» фожиасини таржима қиляпман. «Иллюзия комедия»нинг биринчи кисми — «Дўзах»нинг ўқувчилар қўлига текканига анча бўлди. Энди иккинчи қисми — «Аъроф»ни таржима қиляпман.

— Қандай янги асарлар устида иш олиб боряпсиз?

— «Ўзбеклар» деб номланган бир достон ўйлаганман. Аста-секин қоғозга тушяпти. Унда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини қаламга олмоқчиман. Албатта, каттакичик шеърлар ҳам ёзиляпти.

— «Тошкент оқшоми» газетхонларига қандай тилакларингиз бор?

— Энг аввало, барча шеърият мухлисларини баҳор байрами билан қизғин табриклайман. Шеъриятга, ҳаёт гўзалликларига муҳаббат уларнинг қалбини ҳеч қачон тарк этмасин.

Суҳбатни
Н. МУҲАММАДИЕВ
ёзиб олди.

Абдулла ОРИПОВ.

ДАВРА ҚЎШИҒИ

Бош кўтарган ҳар бир жондор гарчи кас эмас,
Назар солгин пойингдаги у бир хас эмас.
Лайло бўлсанг у ҳам Мажнун, асло паст эмас,
Сен учундир бор ҳаётим, шуҳратим шоним,
Қўлларингни бергил менга ширин забоним.

Дўстларинг жам бу даврада, яйрасанг нетгай,
Умрдир бу, чорласанг ҳам тўхтамай ўтгай,
Шоир сенга пок муҳаббат жомини тутгай,
Сен учундир бор ҳаётим, шуҳратим шоним,
Қўлларингни бергил менга ширин забоним.

Муҳаббатим пол қотган ул тоғларинг айтсин,
Тонгда оҳим такрор этган боғларинг айтсин,
Менсиз ўтган ҳар бир лаҳза чоғларинг айтсин,
Сен учундир бор ҳаётим, шуҳратим шоним,
Қўлларингни бергил менга ширин забоним.

Келармидим қошингга гар бўлса ихтиёр,
Жон риштаси боғлангамиш пойингга эй, ёр,
Шоду ҳуррам бу даврада яйра эй, дилдор,
Сен учундир бор ҳаётим, шуҳратим шоним,
Қўлларингни бергил менга ширин забоним.

ШОИР УМРИ

Дарахтни ҳамиша ўрайди шамол,
Шоирни ташвишлар чулғар ҳамиша.
Сен шоир умрини дема безавол,
Унинг ҳам ҳар они ташвишга пеша.

Қара-я, ўтибди қирқ йил муттасил,
Яшабман юлдузлар остида карахт.
Оҳ, шоир умрига ҳавас қилмагил,
У қуюн ичида унган бир дарахт.

БАҲОР ХОСИЯТИ

Қарангки баҳорнинг вазифаси йўқ.
Бирор маҳкамадан маош олмас у.
Унга кор қилади на араз, на дўқ.
Сафарга чиқдими — келмай қолмас у.

Юксак қасрларни безар чечакка,
Гадо кулбасини безар саросар.
Эзгулик бобида фақат у якка,
Фақат у барчага тенг ва баробар.

Кўнгил даричасин очиб қўйинг ланг,
Ғуссали дилда ҳам кулади баҳор,
Умидвор инсонлар, уни олқишланг
Фақат ҳосиятли бўлади баҳор.

∴ ∴ ∴

Муаллақ гапларни сўйлама менга,
Энди мен ер узра топганман қўним.
Инсон деб фалакка қайқирмоқ нега,
Инсон ёнингдаку, у менинг қўшним.
Иқбол деб беҳуда чекасан ёҳу,
Оҳинг бу — фолбиннинг даракларидир.
Асрим, Асрим дейсан, асринг нима у!
У— тўзғоқ календарь варақларидир.

Боғингда бир ниҳол гуллапти бу кеч,
Эртан қийғос бўлар олма напармон.
Илк баҳор заҳрини ўйладингми ҳеч,
Заминда не армон, сенда не армон.

Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тигида,
Фалакни кузларди менинг ҳам созим.
Лекин икки дарё ораликда
Қолиб кетди менинг ўша овозим...

∴ ∴ ∴

Дунёда диёнат ҳали мавжуддир,
Ҳали мард йигитлар яшаб юрипти.
Оналар оқ сути ҳамон оқ сутдир,
Қуёш ҳам фалакда порлаб турипти.

Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам,
Ҳали афсоналар ўлиб кетмаган.
Ҳали соф туйғулар топмаган барҳам,
Инсон орзусига ҳали етмаган.

Юрий ШИКАНОВ.

Истеъдод ва мухлислар

(ҲАНГОМА)

Кеч. Совуқ ёмғир томларда чирманда чертиб, чироғи ўчган ойналарда ивади. Кўчалар ҳўл. Шаҳар чеккасидаги пастқам кўчалардан бирида совуқда жунжиккан йўловчи ёнига икки нотаниш киши келади.

— Ҳой, гражданин, тўхтанг!

— Мана турибман. Сиз милицияданмисиз?

— Йўқ, биз... бошқа ташкилотдан, сиз айтган идоранинг аксидан, — жавоб берди ҳаводай тундлик билан бири ва қўшиб қўйди: — Пулдан чўз!

— Хамённи чиқар бу ёққа, — бўғиқ товуш билан дўқ урди иккинчиси: — Бўлмаса биқинга пичоқ ейсан!

— Пичоғинг ўткирми? — сўраб қолди йўловчи.

— Тиғи паррон, оҳ дегани ҳам улгурмайсан!

— Айни муддао. Қани бошланглар бўлмаса, — деди йўловчи хотиржам:

— Уст-бошимни ечайми, ёки шундоқ...

Бир дақиқа жимлик чўкди.

—Нега, бошланглар, деяпсан? — хавфсираб сўраб қолди биринчиси.

— Саволга саволга жавоб? Бўлақолинглар?

— Сен бизни лақиллатма. Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Бизга пулдан чўз!

— Балки қулоқ чаккангга боплаб туширишни кутиб тургандирсан, — деди бўғиқ овоз.

— Қулоқ чаккамга? — ҳайратланиб товуш чиқарди йўловчи. — Бўлмайди. Осонликча қутилмоқчимисанг а р? Тушларингни сувга айт. Қани, сўйинглар! Тезроқ бўлақолинглар. Вақтим зиқроқ.

Йўлтўсарлар бир-бирларига қараб олишди. Жимиб қолишди. Бўғиқ товушлиси янада бўғилиб қолди.

— Бу замонавий тўравачча жонидан ҳам мол-дунёсини афзал кўради, чоғи, — файласуфнома сўз қотди биринчи йўлтўсар.

— Менга қаранглар. Бўлмайсанларми тезроқ! — қатъий талаб этди йўловчи: — Қани дадилроқ бўлинг. Бирор кимса ўтиб, яна чўчитиб қўймасин. Мен барибир ўзимни дарёга ташлагани кетаётирман. Дарёгача ахир бир талай йўл бор. Бу ёғи оёқ кийимим даблала. Шалаббо бўлиб кетди...

— Ақлдан озған кўринади. Менга ёқмаётир у. Кетдик Плафон, йўлидан қолмасин.

— Сабр қил бироз,— хириллоқ товуш тилга кирди: — Билиш керак ахир, нега у ўзини ўзи чўктирмоқчи. Менга қара, биродар, нега бундай қилмоқчисан?

Йўловчи аламли йўталди. Бурнини енги билан артиб:

— Ҳаммасига шу пул, лаънати пул сабаб. Сиз Нелькани билмайсиз? Мол-дунёга муккасидан кетган. Ҳали қундуз пальто, ҳали кримплен, ҳали яна алланима... Мана кўриб турибсиз, оқибатини... — йўловчи яна бир хўрсинди: — магазин молини ўзлаштириб қўйгандим. Эртага текшир-текшир...

Энди йўловчи кўз ёшларини енги билан эмас, шляпаси билан артарди.

— Қарз олиб турсанг бўлмайдими, кўз ёшдан не фойда? — ачиниб маслаҳат берди барибир ўзимни дарёга ташлагани кетаётирман.

— Анави, пистирма чўнтакчада-чи? — йўловчи биринчи йўл тўсган ўғрига ўгрилди.

У ёқ бу ёғини кавлаб, лангилик билан яна уч сўм чиқарди.

— Бу жўдаям оз, жўдаям. Майли, на илож. Керакмас пулларинг. Яхши қолларинг. Ўзимни сувга ташлагани кетдим.

— Сабр қилсанг-чи, хом калла. Ма, буларни олиб тур,— Плафон чақаю пулларни йўловчининг чўнтагига тикди. — Яна бироз юр. Балки биздақалардан яна учратиб қоларсан.

— Майли. Гапларинг маъқулга ўхшайди. Яна бироз юриб турай-чи?

— Йўловчи тун оғушида дарҳол ғойиб бўлди.

— Менга қара, — хириллоқ товуш тилга кирди, — ахир у дарё томонидан келаётгандику!

...Йўловчи йўлда борар экан, хурсандлигидан лой-сувни баробар кечар эди: «Ана қандоқ гап. Ишонтирдим-ку. Демак, роль ўйнасам бўлади. Одамларга таъсир эта оларканман. Гамлетни ҳам ўйнасам бўлади. Режиссёр бўлса, менга ишонмай, бош ролларни бермай келади».

САПЕР
таржимаси.



Бу жажжи қизалоқ байрам гаштини ҳаммадан кўпроқ тотаётган бўлса ажаб эмас.

Р. Альбеков фотоси.

Ҳар тўғрида

«КОМЕДЬЕ ФРАНСЬЕЗ»

Француз комик (Комедье Франсьез) театри бошқа театрларга ўхшаш эмас. Унинг яна бошқа номи бор: Мольер уйи. Бу театр 1643 йил Жан Батист Покле (Мольернинг ҳақиқий номи) ва унинг ўртоқлари томонидан очилади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Мольер танила бошлади. Бутун Париж аҳолиси, ҳаттоки Людовик XIV ҳам Мольер комедиясини ҳаяжонланиб томоша қилар, ўткир сатирасидан завқланиб, ёзувчини олқишларди. 1673 йил қишда намойиш этилган «Ёлғон касал» комедияси Мольерга сўнгги комедия бўлиб қолди. Мольер вафот этди, лекин театри, драма, комедиялари мангу бўлиб қолди.

Йиллар ўтди, театр равнақ топаверди. Театр шкафларида 37000 костюм, 6000 жуфт оёқ кийими, 6300 ясама соч мавжуд.

Театр саҳнасида доимо Мольер асарлари, шунингдек Мариво, Виктор Гюго, Эдмонд Ростан ва бошқа кўпгина замонавий адиблар асарлари намойиш этилади. Театр репертуаридан 2600 пьеса ўрин олган.

Пайшанба куни тушдан кейин ёшлар учун театр қўйилади. Бунда уларга мактабда ўқийдиган асарлар намойиш этилади.

«Комедье Франсьез» бир неча бор Иттифоқимизда гастролда бўлган.

ОЛИМПИАДА ЎТГАН ШАҲАР

Биринчи Олимпия ўйинлари Грециядa бўлиб ўтган. Хўш нега энди бу ўйин Олимпия ўйини деб аталган? Грециянинг жанубидаги ярим орол Олимпиади. Шу боис бу ўйин шу ном билан аталиб келади. Иштирокчилар ўйинни нима деб аташларини билмаганлар. Албатта, бу ўйин бундан 3000 йил илгари бошланган. Биринчи Олимпия ўйини халқаро бўлмаган, ўйинда фақат Греция аҳолиси қатнашган. Олимпия ўйинига бокс, кураш ва бошқа спорт мусобақалари киритилган.

Шундай қилиб, биринчи Олимпия ўйинлари 393 йилларда (янги ҳисобда) бўлиб ўтган. Орадан 1500 йил ўтди. Ниҳоят 1890 йилда француз Пьер де Губертин янги Олимпия ўйинларининг ташкилотчиси бўлди. Шу боис бунга кўп пул керак эди. Пьер кўплаб француз ва чет эл матбуотига ёзади. Керакли шахслар билан учрашади, саёҳатлар қилади. Ниҳоят 1896 йил Афинада биринчи Олимпия ўйинлари ўтказишга Пьер муваффақ бўлади.

1896 йилдан буён ҳар тўрт йилда (фақат биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари вақтида ўйин бўлмаган) Олимпия ўйинлари ўтказилиб келинмоқда.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

— Дада, эртага мактабимизда ота-оналар мажлиси бўлар экан.

— Ахир мажлис ўтган ҳафта ҳам бўлган эди-ку.

— Аммо бу мажлис тор доирада бўлар эмиш.

— Тушунмадим, тор доирада деганинг нимаси?

— Бу мажлисда фақат мактаб директори ва сиз қатнашармишсизлар.

* * *

— Нега сени хўтикча деб атаганимни энди тушунгандирсан?

—Ҳа, тоға, тушундим, чунки мен сиздек катта эмасман-да.

* * *

—Врач сизга озишингиз учун нимани маслаҳат берди?

—Унинг айтишича, мен ҳар куни эрталаб бармоқларимни туфлимга теккизишим керак экан.

— Хўш, унинг айтганларини бажаряпсизми? Ердами тегяптими?

— Каерда дейсиз, ёдимдан чиқмасин деб туфлимни ёстиғим остига қўйиб ётибман. Ҳар куни минг марталаб қўл теккизсам ҳам, озиш ўрнига семириб боряпман.

* * *

— Жаноб Швиндел, бундан бир ойгина аввал сиздан сотиб олган зажигалкам ишламай қолди. Сиз бўлсангиз уни умрингиз охиригача етади, деб мактагандингиз.

— Кечирасиз, аммо уни сотиб олаётган пайтда кўринишингиз бир аҳволда эди-да.

* * *

Терговчи: Қани айтинг-чи, нега сиз бу машинани ўғирлаб кетдингиз?

Судланувчи: Мен уни ўғирлаганим йўқ. Қарасам, қабристон ёнида бир машина турибди. Мен машина эгаси вафот этган бўлса керак, деб ўйлабман.

* * *

— Менимча, одамларда энг етарли нарса ақл бўлса керак.

— Нега бундай хулосага келдингиз?

— Чунки шунча ёшга кириб, ақли етишмаслигидан шикоят қилган биророта одамни учратганим йўқ.

Немис тилидан
Иўлдош ПАРДАЕВ
тержимаси.

Тошкент тарихидан 100 лавҳа

БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗ СОВҒАСИ ҲАҚИДА

66-ЛАВҲА

Ўша йил менинг ҳеч эсимдан чиқмайди. Қиш пайти, 1969 йилнинг январь ойида термометр гоҳ кунлари 30 градусни кўрсатарди. Ўша йилнинг ёзи ҳам, кузи ҳам эсимда. Ёзда дўстим билан мактабни тугатиб, университетга имтиҳонларни муваффақиятли топширдик. Кузнинг ёғин-сочин кунларида пахта теримига чиқдик. Биз «ўз университетлар»имизни пахта даласидан бошлаганмиз. Пахтазорларда декабрь ўрталаригача «оқ олтин» учун «жанг» қилганмиз.

Пахтазорда ўзимга ўхшаш 1-курс талабаси, бўлажак журналист Коста Самсонов билан танишдим. У кенг елкали, доимо табассум қилиб турадиган, очиқ чеҳрали йигит эди. Унинг бир ўзи икки кишининг пахтасини терарди. Ҳолбуки шу пайтгача пахтани кўрмаган, уни термаган эди. Шунчалик иш қилишга қарамай жуда хушчақчақ, шўх бўлиб, бутун группанинг жони эди. У рус тилида ажойиб гапира оларди. Бунга жуда ажабландим. Ҳолбуки, Болгарияда кейинчалик бўлганимда шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу ерда рус тилини жуда яхши билишар ва севишар экан. Коста Тошкентга тасодифан келиб қолибди. Бунинг сабаби шундаки, унинг ота-онаси ўнлаб болгар қурувчи-мутахассислар оилалари билан биргаликда тошкентликларга мактаб совға қилиш учун келишган экан.

Ҳар биримиз ўша йилларни яхши эслаймиз. Ҳали бунёд этилмаган binolar ўрнида кўтарма кранлар бўй чўзиб турар, кўчалар тахтачалар билан тўсилган эди. Ҳа, янги қурилишларда ўнлаб турар жой барпо этилаётган ва уларнинг ҳар бирига дўстлик ва қардошлик «дастхати» қайд этилган эди. Масалан, «Эстония — Тошкентга», «Тожик халқининг саҳий қалбидан», «Тошкентликларга белорус халқи бахт-саодат тилайди», «Фрунзе — Тошкентга», «Бу уй-жойларда — яйраб-яшнанг, Киевликлар».

Ҳа, бутун мамлакатимиз янги Тошкентни қурди. Ўн беш иттифоқдош республиканинг ҳар бири умумхалқ қурилишига ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбекларнинг «ҳашар» сўзи Тошкентга келаётган қурилиш составлари учун рамзий маъно касб этган эди. Шаҳар қурилишларида шундай қўшиқлар янграрди, у москваликка ҳам, воронежликка ҳам, ригалик ёки волгоградликка ҳам яқин ва тушунарли эди! Болгарларга ҳам «ҳашар» сўзининг маъноси яхшигина тушунарли экан. Буни қарангки, бу сўз болгар лугатида ҳам бор экан. Бу, одатда қийин аҳволга тушиб қолган дўстга ёрдам маъносини англатар экан. Тошкентда шундай катта бир ҳашар ташкил этилган экан, унда қардош Хасково қурувчиларининг қатнашиши табиий бир ҳол эди. Негаки, Болгария меҳнатчилари тошкентликлар билан мустаҳкам қардошлик алоқалари ўрнатганлар.

1968 йилнинг ёзида Ўзбекистон пойтахтига Хасководан архитектор ва лойиҳачиларнинг бир группаси келади. Улар ўзлари билан бирга мактаб лойиҳасини ҳам олиб келадилар. Бу мактаб лойиҳасида Тошкентнинг иссиқ иқлими ва зилзила шароитлари ҳисоба олинган. Улар тошкентлик архитектор ва лойиҳачилар билан бригаликда мактаб қурилиши учун муносиб жой топдилар. Уни шаҳарнинг қоқ марказида, зилзила ўчоғи — Қашқар маҳалласи ўрнида қуришга аҳд қилишди. Бу пайтда собиқ маҳалланинг бironта ҳам эски девори қолмаган эди. Чунки зилзила марказида янги турар жой квартали қад кўтарган эди!

Бир неча ойдан сўнг эса асосий отряд етиб келди. 50 болгар гишт терувчиси, дурадгори, бетончиси, арматурачиси янги мактабни қуришга киришди.

1969 йилнинг 27 январь куни — қишнинг қаҳратон куни эди. Лекин изғирин кўп кишилик митингнинг байрамока руҳига асло таъсир қилмади. Бу митинг бевосита бўлажак мактабнинг қурилиш майдончасида бўлди. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков болгар, рус ва ўзбек тилларида хат ёзилган капсулани бино пойдеворига қўяди.

«Бу мактаб болгар қурувчилари томонидан қурилиб, Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларидан тошкентликларга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Болгария халқлари қардошларча бузилмас мангу дўстлиги рамзи сифатида совға қилинди... Болгария ва СССР халқлари дўстлиги асрлар оша мустаҳкамланаверсин ва шуҳрат топаверсин».

Бу митингда қатнашган шоир Раим Фарҳодий кейинчалик Тошкетнинг ўғил-қизларига болгарийлик дўстлар туҳфа этган шу мактаб тўғрисида шеър ҳам ёзган эди.

Ҳа, мактаб тез қад кўтарди. Шундоққина кўз ўнгимизда унинг олтита уч қаватли корпуси кўкка бўй чўзди. Бу ерда ўқиш ва спорт заллари, шинам, ёруғ синфхоналар, лаборатория, устахоналар мавжуд. Мактаб асосан 1970 йилнинг баҳорида қуриб тугалланди. Шу йилиёқ янги мактаб ўзининг дастлабки ўқувчиларини — 1060 тошкентлик ўғил ва қизни бағрига олди.

Биз Коста иккимиз бу ерга қурилиш қизғин кетаётган дамларда кўп келганмиз. Болгар дўстларимизнинг фидокорона, завқ-шавқ билан ишлаётганларининг гувоҳи бўлганмиз. Бу объектнинг ёнидаги қурилишларда эса украинча, эстонча, қирғизча сўзлар янграб эшитиладн. Ҳа, янги биноларнинг қаватлари жуда тез кўтарилди. Уларнинг ҳар бирида болгар дўстларимизнинг қалб қўри, кўз нури бор албатта.

Янги мактаб остонасини биринчи марта қатлаб ўтган ўғил ва қизлар ҳозир ўрта мактабни битириб, чиқишди, Ҳозиргача бу мактаб қанчадан-қанча тошкентлик ўғил ва қизларни тарбиялаб ўстирмади, катта ҳаётга йўлланма бермади, дейсиз! Аммо уни битириб чиққан ҳар бир тошкентлик ва бу мактабда таълим олаётган ўқувчилар унинг тарихини яхши билишади ва у билан фахрланишади. София проспекти бўйида қад кериб турган бу мактабнинг ёруғ корпуслари икки қардош халқ дўстлигининг рамзи бўлиб қолди. У тошкентликлар учун қийин ўша дамларда болгар дўстларимиз берган ёрдамни эслатиб туради. Ҳа, бу ерни Болгариянинг бир бўлаги дейиш мумкин. Унга кираверишда болгар революционери Димитровга ҳайкал қад кериб турибди. Унинг атрофида эса Болгариянинг энг гўзал гуллари чирой очиб турибди. Бу гуллар ҳам дўстларимиз армуғонидир.

А. ТЮРИКОВ.

• *«Пахтакор»нинг рақиблари*

«ЗЕНИТ» (Ленинград)

Эртага футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган қанодлар еттинчи тур учрашувларини ўтказишади. «Пахтакор» ўз майдонида Ленинград шаҳрининг «Зенит» командаси билан беллашади.

«Зенит» мамлакатимиздаги энг кекса коллективлардан биридир. Команда 1931 йилда ташкил қилинган бўлиб, 1938 йилдан буён мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашиб келмоқда.

1944 йил ленинградлик футболчилар учун омадли бўлди. Улар СССР Кубоги баҳсларини ниҳоятда ҳужумкор руҳда ўтказиб, шарафли мукофотни қўлга киритишди. Ўша йили биринчи марта фахрий соврин Москвани тарк этди.

«Зенит» командаси мамлакат биринчилигида ўтган йили энг яхши натижани қўлга киритди. Айниқса, иккинчи давра учрашувларини уюшқоқлик ва ҳужумкорлик руҳида ўтказган ленинградлик футболчилар мавсумни учинчи ўринда якунлашди.

Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, бу команданинг бир неча ўйинчилари турли йилларда мамлакатимиз терма командаси шарафини ҳимоя қилишган. Л. Бурчалкин команда составида майдонга энг кўп марта чиққан ўйинчи ҳисобланади. У 400 марта «Зенит» командаси шарафини ҳимоя қилган. Худди шу ўйинчи айни пайтда команданинг энг мерган ўйинчиси ҳисобланади. У олий лига баҳсларида 78 марта рақиб командаларнинг дарвозасига тўп киритган. Бир мавсумда ўзига хос рекорд ўрнатган ўйинчи А. Коротковдир. У 1950 йилги мавсумда рақибларнинг дарвозасини 22 марта аниқ нишонга олган.

«Пахтакор» бу йилги мавсумга қадар Нева соҳили футболчилари билан 36 марта куч синашган. 15 ўйин ленинградликларнинг, 13 ўйин тошкентликларнинг фойдасига ҳал бўлган. Шуни ҳам айтиш керакки, командалар мерганликда бир-биридан ортда қолмасликка ҳаракат қилишади. Аввалги йилга қадар ҳар икки команда бир-бириннинг дарвозасига 49 марта дан тўп киритган эди. Шундан кейин аҳвол ўзгарди. Пахтакор составида юз берган жиддий ўзгаришлар учрашувларга таъсир кўрсата бошлади. Натижада тошкентликлар кейнги ўтказилган тўрт учрашувнинг учтасида маглубиятга учрашди.

Командалар ўртасидаги беллашув ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтишини футбол мухлислари яхши билишади. Одатда бу командалар ўртасидаги учрашувда жуда кўп марта дарвозалар нишонга олинади. Бу сафарги учрашув ҳам бундан мустасно эмас.

• *Ажойиботлар оламида*

ҚИРҒОВУЛГА ЁҚИБ ҚОЛДИ

Айдардаги қўлмак қамишзорлар Еттисув қирғовулига ёқиб қолди. Дастлабки 300 та қирғовул бундан 8 йил аввал Қирғизистондан бу ерга келтирилганди. Егерлар уларни парвариш қилиб турдилар, қиш совуқларида уларга дон бериб турдилар. Натижада овшунослар шу қўлкам бу ерлардаги қирғовул 5 мингтадан ҳам ошиб кетганлигини ҳисоблаб билдилар.

Айдар овчилик хўжалигида яна бир ов ҳайвони—ёввойи қуён пайдо бўлди. Херсин областидан келтирилган қуёнлар аввал махсус кенг майдончаларда яшадилар, сўнгра жойга ўргангач, «разведкага» чиқа бошладилар. Эндиликда уларнинг уялари махсус майдончалардан неча километр нарида ҳам топилмоқда. Қуёнлар тез кўпайиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Май ойида об-ҳаво қандай бўлади?

Баҳор фаслининг сўнгги ойи — Май бошланди. Бу ойда апрель ойидаги ўртача ҳаво ҳароратига нисбатан 6—8 даража ортиқ иссиқ бўлади. Ёғингарчиликлар миқдори эса 1,5—2 марта камаяди. Ойнинг биринчи ярмида баҳорга хос беқарорлик юз беради. Ўша куйларда баъзан момақалдироқ бўлиб чақмоқ чақади. Бундай кунлар айрим йилларда ҳатто ўн кунга қадар давом этган.

Май ойида ойлик ўртача ҳаво ҳарорати меъёрида бўлади. (18—22 даража иссиқ). Ой давомида ҳарорат кескин ўзгариб туради. Кечалари 8—13 дан 15—20 гача, кундузлари 22—27 дан 30—35 даражагача иссиқ бўлади.

Ойнинг бошида, иккинчи, учинчи ўн кунлик ўртасида ҳарорат кўтарилади. Тоғлик районларда кечаси ҳарорат 4—9 даража камаяди. Ой давомида бўладиган ёғингарчиликлар миқдори 15—30 миллиметр (меъёрига яқин, айрим жойларда меъёридан кам)ни ташкил этади. Бутун ой давомида Тошкент шаҳри ва пойтахт областида кунлар бир мунча совиганда ҳавога булут чиқади, момақалдироқ бўлиб бироз жала қуяди.

(Газетанинг навбатдаги сони 4-майда чиқади).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/V да **Келинлар қўзғолони** (19.30), 2/V да **Алмандар** (11.00, 15.00), **Қурмайин босдим тиконни** (19.30), 3/V да **Алмандар** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30), 5/V да **Инқилоб тонги** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/V да **Кулги ва лирика кечаси** (19.30), 2/V да **Кулги ва лирика кечаси** (16.00 ва 19.30), 3/V да **Ишонмасанг ўламан.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 1, 2/V да **«Африка бегемотлари» аттракционининг гастроллари** (11.00, 13.00, 16.00, 19.30) 3/V да (12. 00, 15.00, 18.00).

КИНО

1 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН ВА КУМУШ ЎРНИГА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.20, 20.30, жавоб берувчи автомат 44-39-51), **Қозоғистон** (16, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **Нуқус** (18.30, 20.00), **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30)).

«МЕНИНГ ОТАМ ИДЕАЛИСТ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (19, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ ЭМИССАРИ» — **Дружба** (17, 20.00).

2 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КОНЦЕРТ ТОМОН ЙЎЛ» — **Искра.**

«ДИПЛОМ ҲИМОЯСИ» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30, жавоб берувчи автомат 44-39-51), **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **Нуқус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Дружба** (12, 15, 18, 20.30).

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МЕНИНГ ОТАМ ИДЕАЛИСТ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 15, 19, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-13-59).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ ЭМИССАРИ» — **Дружба** (11, 14, 17, 20.00).

3 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КОНЦЕРТ ТОМОН ЙЎЛ» — **Искра.**

«ДИПЛОМ ҲИМОЯСИ» — **Лисунов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30, жавоб берувчи автомат 44-39-51), **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **Нуқус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Дружба** (12, 15, 18, 20.30).

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МЕНИНГ ОТАМ ИДЕАЛИСТ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 15, 19, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-13-59).

«НИКОҲ КЕЧАСИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ ЭМИССАРИ» — **Дружба** (11, 14, 17, 20.00).

Ўзбекистон «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси «Спецсельхозмонтаж» трестига қарашли Калинин район қўчма механизация колоннасининг йўқолган **ГЕРБЛИ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

А. Икромов районидаги 245-мактаб томонидан **Саматов Фарҳод** номига берилган 420560 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

СОЛИСТЛАР:

Фахриддин УМАРОВ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Таваккалхон ТУРСУНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА **ва** Мавжуда ҲОЛДОРОВА **олиб борадилар.**

«ГЎЗАЛ» **ансамблининг бадиий раҳбари — композитор** Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚУРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Ғуломжон ЕҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Анвар РУСТАМОВ, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА **ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ **олиб боради.**

«ШОДЛИК» **ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери** — **Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати** Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

М. Т. ОЙБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАР ТАРИХИ МУЗЕЙИ

СИЗНИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОЙ ТАРИХИНИ РАНГБАРАНГ, НОЕБ МАТЕРИАЛЛАРДА ОЧИБ БЕРУВЧИ УНИНГ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИ КЎРИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Музей сешанба кунлари соат 10.00 дан 15.00 гача, бошқа кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Дам олиш куни — душанба.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 15-уй.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТЕЗ КУНДА

Ф. МУСАЖОНОВ, Б. ИХТИЕРОВ АСАРИ — М. ЛЕВИЕВ МУЗИКАСИ

«ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!»

(Музикали комедия)

Саҳналаштирувчи-режиссёр — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** Бахтиёр ИХТИЕРОВ.

Дирижёр — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** Эргаш ТОШМАТОВ.

Режиссёр — Н. САИДХОНОВ.

Рассом — А. Г. ЖИБОЕДОВ.

Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.

Концертмейстер — М. ФУРМАН.

Ердамчи режиссёр — С. ҚУРБОНОВ.

РОЛЛАРДА: **Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати** Ҳамза УМАРОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Марям ИХТИЕРОВА, Наима ПЎЛАТОВА, Бахтиёр ИХТИЕРОВ, Ҳусан ШАРИПОВ, Суръат ПЎЛАТОВ.

Солистлар: Шуҳрат РАСУЛЕВ, Ф. АҲМЕДОВ, С. РАҲИМЖОНОВ, Ф. ФАЁЗОВ, А. МАМАРАСУЛОВ **ва бошқалар.**

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

1 МАЙ — ЖУМА

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 «Экранда — кинокомедия». «Цирк». 20.10 «Голубой огонёк»нинг байрам сони. 21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.30 «Голубой огонёк»нинг давоми.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

18.10 РСФСР бадиий халқ ҳунарманд чилиги ҳақида оммабоп фильм. 19.00 «Москвичка» телевизион клуби. 20.30 «Ҳаётга йўлланма». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Концертни томоша қилишга таклиф этамиз. 21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ. 22.30 «Қарз». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тонгги қўшиқ» Мультфильм. 18.20 «Кувнаб, яшнаб келди Май». Мактаб ўқувчилари учун адабий-музикали композиция 19.00 «Ҳашардаги ҳангома». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 19.50 «Ахборот» МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 20.30 «МАРҲАБО, МАЙ!» байрам музикали программаси. 21.30 Москва. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.30 «МАРҲАБО, МАЙ!» Байрам музикали программасининг давоми. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Шаҳар фантазияси». Совет эстрадаси усталари иштирокида фильм-концерт. 19.40 «Сарочиндаги ярмарка» Музикали телефильм. 20.10 «Дон Кихот болалари». Кинокомедия.

2 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 Янгиликлар. 9.20 Эрталабки гимнастика. 9.45 Совет рассомларининг асарлари асосида байрам композицияси. 9.55 «Буратино кўргазмаси». 10.25 «Марлдик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 11.30 Музикали телевизион фильм премьераси. 12.30 «Спортлото»нинг 18-тиражи. 12.40 «Соатлар мамлакатига». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.55 «Қувноқ нотачалар». Еш вокалистлар концерти. 13.55 «Ҳайвонот оламида». 14.55 Мультфильмлар программаси. 15.35 «Мактаб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 16.40 РСФСР халқ артисти Т. Синявская ижросида романслар. 17.10 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.40 «Цирк майдонида».

18.25 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (М) — «Динамо» (М) Б. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 21.45 «Время». 22.15 «Эспаньола» Телевизион музикали спектакль премьераси. (Лопе де Вега асарлари мотивлари асосида). 23.45 «Рақс зали». 00.20 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 Янгиликлар. 9.20 Ешлар ҳақида қўшиқлар. 9.30 «Рус тили». 10.20 Украина ССРда хизмат кўрсатган Давлат бандурачилар капелласининг концерти. 10.50 «Фан оламида». 11.20 «Бу фантастик олам». Кўрсатувни — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Г. М. Гречко олиб боради. 12.30 «Шахмат мактаби». 13.00 «Космик аср. Солнома саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 «Тихон Хренников билан учрашув». Фильм-концерт. 14.50 «Вятка жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.05 Еш балет артистларининг концерти. 15.25 Л. Леонов «Олтин арава» Малая Бронниадаги Москва драма театрининг фильм-спектакли. 17.35 «Музикали киоск».

18.05 «Здоровье» программасининг почтаси. 18.50, Татаристон АССР халқ артисти Р. Ибрагимов куйлайди. 19.20 «Уильям Шекспир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Англия). 4- ва 5-сериялар. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валл хола ҳикоя қилади». 21.30 «Чусовойда ёз». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.45 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Торпедо» Киевдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Кўйилчан йигит». Бадиий фильм («Ўзбекфильм») 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Киносаёҳат. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Гулла, ўлкам менинг». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.45 Москва. «Время». 22.15 Чет эл эстрадаси усталари концерти. 23.05 «Шиналар шитирлаши остида», «Ромашкалар ҳақида афсона». Катталар учун мультфильмлар. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

3 МАЙ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Заряднга сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.50 «Фан ва техника». Киножурнал. 13.00 «Қишлоқ яғиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Мадриддан олиб кўрсатилади. 15.30 «Москванинг чет эллик меҳмонлари». 15.50 «Мактаб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 17.00 «Киносаёҳатчилар клуби».

18.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Муз майдонида». Телевизион фильм премьераси. 19.45 Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.35 «Москва этюдлари». Илмий-оммабоп фильм. 23.45 «Футбол шарҳи». 00.15 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

18.15 «Ока ёқасидаги уй». «Полёнова» музей-усадьбаси ҳақида. 18.45 «Уильям Шекспир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Англия). 6-серия. 19.45 В. Моцарт. 41-симфония. СССР Давлат академик симфоник оркестри чалади. 20.15 «Тарнога эртакларн». 20.25 «1981 йил қўшиқлари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Рейс оҳанглари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — «Динамо» (М) 2- ва 3-даврлар. Харьковдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ҳақиқий дўстлар». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Бойчечак». 19.00 «Ўзбекистон гиламлари ва сўзаналари». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидан кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. Янги программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. В. И. Ленин номли СССР Халқлар дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

Тошкент политехника институти ректорати ва жамоат ташкилотлари петрография ва петрология ҳамда регионал геология кафедрасининг доценти М. Ш. Шамсуддиновга акаси

Тоир ШАМСУДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СССР Давлат банкасининг Ўзбекистон республика конторасн коллективи банка системасининг кекса ходими

Воҳид ШОМАНСУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 МАЙ, 1981 й. Р — 00329. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2111 5